

## VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 11281 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 11175 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 99,1 % ни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (29,7 %), Қизилтепа (11,0 %), Кармана (17,2%) ва Хатирчи (10,1 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2019 йилнинг 1 январ ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>11281</b>	<b>100,0</b>	<b>11175</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	3350	29,7	3310	29,6
Зарафшон	714	6,3	707	6,3
<i>туманлар:</i>				
Конимех	355	3,1	349	3,1
Қизилтепа	1242	11,0	1232	11,0
Навбахор	994	8,8	984	8,8
Кармана	1938	17,2	1926	17,2
Нурота	945	8,4	941	8,5

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Томди	189	1,7	186	1,7
Учкудук	419	3,7	415	3,7
Хатирчи	1135	10,1	1125	10,1

### Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, (фоизда)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 19,7 %), саноат (16,1 %), қурилиш (9,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,5 %) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
(2019 йилнинг 1 январ ҳолатига)**


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>11281</b>	<b>100,0</b>	<b>11175</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1296	11,5	1294	11,6
саноат	1819	16,1	1809	16,2
қурилиш	1051	9,3	1047	9,4
савдо	2220	19,7	2210	19,8
ташиш ва сақлаш	463	4,1	461	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	861	7,6	856	7,7
ахборот ва алоқа	162	1,4	161	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	228	2,0	227	2,0
бошқа турлари	3181	28,3	3110	27,8

### Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)



Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 99,1 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 0,9 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 1,9 % га камайган.

### Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонida фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, (фоизда)




2019 йил 1 январ ҳолатига 9181 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 3438 та, оилавий корхоналар – 724 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 4781 та, акциядорлик жамиятлари – 20 тани ва 218 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда**




2018 йилнинг январ-декабр ҳолатига жами 2027 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 55,3 % кўпроқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (470 та), Кармана (304 та), Нурота (217 та), Хатирчи (208 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (37 та), Конимех (86 та), Учқудук (103 та) туманларига тўғри келади.

**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар  
ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 15,3 %, саноатда 18,6 %, қурилишда 12,0 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 17,0 % ни ташкил этди.



2019 йил 1 январ ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 9104 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,3 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 2806 таси (жами субъектларнинг 30,8 %) Навоий шаҳри, 1679 таси (18,4 %) Кармана, 1004 таси (11,0 %) Қизилтепа, 816 таси (9,0 %) Хатирчи ҳамда 799 таси (8,8 %) Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 113 таси (1,2 %) Томди, 227 таси (2,5 %) Конимех, 310 таси (3,4 %) Учқудук туманлари ҳиссаларига тўғри келади.



**Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)  
(2019 йилнинг 1 январ ҳолатига)


	Жами	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	Фаолият юритаётган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	Фаолият юритмаётган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	2018 йил январ- декабрда янгидан ташқил этилган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони	2018 йил январ- декабрда фаолияти тўхтаган	1000 киши ҳисобига ХЮС сони
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>9143</b>	<b>9,4</b>	<b>9104</b>	<b>9,3</b>	<b>39</b>	<b>0,0</b>	<b>1810</b>	<b>1,9</b>	<b>468</b>	<b>0,5</b>
<i>шаҳарлар:</i>										
Навоий	2811	20,6	2806	20,6	5	0,0	415	3,0	16	0,1
Зарафшон	592	7,2	589	7,1	3	0,0	212	2,6	41	0,5
<i>туманлар:</i>										
Кармана	1687	13,2	1679	13,2	8	0,1	263	2,1	15	0,1
Конимех	233	7,8	227	7,6	6	0,2	80	2,7	29	1,0
Қизилтепа	1006	6,7	1004	6,7	2	0,0	162	1,1	60	0,4
Навбахор	803	7,3	799	7,2	4	0,0	174	1,6	49	0,4
Нурота	765	8,4	761	8,4	4	0,0	211	2,3	24	0,3
Томди	115	7,9	113	7,8	2	0,1	32	2,2	36	2,5
Учкудук	312	8,4	310	8,4	2	0,1	86	2,3	125	3,4
Хатирчи	819	4,2	816	4,2	3	0,0	175	0,9	73	0,4

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
худудлар бўйича сони**

	2018 йил 1 январ ҳолатига		2019 йил 1 январ ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>7569</b>	<b>100,0</b>	<b>9104</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	2433	32,1	2806	30,8
Зарафшон	448	5,9	589	6,5
<i>туманлар:</i>				
Конимех	158	2,1	227	2,5
Қизилтепа	861	11,4	1004	11,0
Навбаҳор	636	8,4	799	8,8
Кармана	1458	19,3	1679	18,4
Нурота	580	7,7	761	8,4
Томди	91	1,2	113	1,2
Учкудук	239	3,2	310	3,4
Хатирчи	665	8,7	816	9,0

Фаолият кўрсатаётган жами 9104 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 2200 таси (24,2 %) – савдода, 1783 таси (19,6 %) - саноатда, 1252 таси (13,8 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1045 таси (11,5 %) - қурилишда, 855 таси (9,4 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 448 таси (4,9 %) - ташиш ва сақлашда, 168 таси (1,8 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 150 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1203 таси (13,2 %) - бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)**




2019 йилнинг 1 январ ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 0,5 % ни (3 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 0,5 % ни (4 та), Учқудук 0,6 % ни (2 та) ва Томди тумани 1,7 % ни (2 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 468 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 122 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 26,1 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2019 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 109 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 тага ёки 81,7 % га ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 67 таси қўшма корхоналар, 42 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 39 та (35,8 %) ва Кармана 27 та (24,8 %) тумани ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди 1 та (0,9 %), Учқудуқ 2 та (1,8 %), Хатирчи 3 та (2,8 %), Конимех 4 та (3,7 %) ва Навбаҳор 6 та (5,5%) туманларига тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши (2019 йилнинг 1 январ ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>109</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	39	35,8
Зарафшон	9	8,3
<i>туманлар:</i>		
Конимех	4	3,7

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Қизилтепа	7	6,4
Навбахор	6	5,5
Кармана	27	24,8
Нурота	11	10,1
Томди	1	0,9
Учкудук	2	1,8
Хатирчи	3	2,7

Фаолият кўрсатаётган 109 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 65 таси (59,6 %) саноат, 8 таси (7,3 %) савдо, 17 таси (15,6 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 4 таси (3,7 %) ташиш ва сақлаш, 1 таси (0,9 %) қурилишда, 4 таси (3,7 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 9 таси (8,3 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2019 йилнинг 1 январ ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>109</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	65	59,6
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	17	15,6
қурилиш	1	0,9
савдо	8	7,3
ташиш ва сақлаш	4	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4	3,7

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Ахборот ва алоқа	1	0,9
бошқа турлари	9	8,3

2018 йилнинг январ-декабр ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 48 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 9 та, Хитой Халқ Республикаси - 9 та, Эрон Ислом Республикаси 6-та ва Корея Республикаси – 4 та, Афғонистон - 2 та, Болгария Республикаси - 1 та, Греция Республикаси - 2 та, Ҳиндистон Республикаси - 2 та, Нидерландия - 1 та, Бирлашган Араб Амирлиги - 1 та, Туркия - 3 та, Украина – 1 та, Финландия – 1 та, Буюк Британия – 1 та, Туркманистон – 1 та, Тожикистон - 1 та, Англия - 1 та, Гонконг - 1 та, Япония – 1 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

48 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (18 та) ва Зарафшон (6 та) шаҳарларида, Қизилтепа (3 та) Кармана тумани (6 та), Конимех (3 та) ва Навбахор (2 та), Нурота (7 та) ҳамда Томди (1 та), Учқудук (1 та), Хатирчи (1та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>48</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	18	37,5
Зарафшон	6	12,5
<i>туманлар:</i>		
Конимех	3	6,2
Қизилтепа	3	6,2

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Навбахор	2	4,2
Кармана	6	12,5
Нурота	7	14,6
Томди	1	2,1
Учқудук	1	2,1
Хатирчи	1	2,1

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 25 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11 та, савдода 4 та, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 2 та ва бошқа фаолият турларида 4 та ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



2019 йил 1 январ ҳолатига 3 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (1 та), Нурота тумани (1 та) ва Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 январ ҳолатига 725 тани ташкил этиб, улардан 724 таси ёки 99,9 % фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 45,6 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**

